

ШАРТНОМА № 8
(Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш)

« 05 » Январь 2022 йил

Яйпан шахри

Ўзбекистон тумани Мактабгача таълим бўлими раҳбари Х.Кўзиева (хужалик юритувчи субъект, ФИШ) бундан буён бир томондан «Харидор» деб юритилади, низоми асосида харакат қилувчи, иккинчи томондан **Yaupan shirinlik trade MCHJ** раҳбари Р.Худойбердиев низоми асосида иш юритувчи (хужалик юритувчи субъект, ФИШ) бундан буён «Сотувчи» деб юритилади ва куйдагилар хақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» нинг талабига асосан «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг кабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ 2.1.

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Сариёғ 82.5%	кг	3300		
2	печенье	кг	630	32000	105600000
	Жами			15000	9450000
					115050000

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси (115050000) Бир юз ўн беш миллион эллик минг сўм

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилмаётган товарнинг 30% микдорида, етказиб берилгандан сунг товар учун 70% микдорида пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати ўзаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сунг товарни 1 ой муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

(товар етказиб бериш муддати)

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилмаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидани бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сунг, сифатли бўлмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириши шарт.

6.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни кабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 10 кун ичида «Сотувчи»ни огоҳлантириш.

- Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

микдорида «Харидор» га пеня тўлайди, лекин пеня микдори шартнома кийматининг 50% дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 5% микдорида жарима тўлайди.

7.4. «Харидор» олинган товар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортик бўлмаслиги лозим.

7.5. Текширув органлари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

VIII. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 1 (бир) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

IX. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

9.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса Ўзбекистон Республикаси иқтисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибда ҳал қилинади.

9.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

9.3. Ушбу шартнома 2022 йил « 05 » январдан 2022 йил « 31 » январгача тузилди. Шартнома икки томонлама имзоланиб, газначилик бошқармаси (бўлим)дан рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

X. КУШИМЧА ШАРТЛАР

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Ижрочи»

Яйпан ширинлик граде МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Ўзбекистон тумани Пастки курик

қишлоғи

Тел./факс

Х/в 20208000705077328001

Банк номи: АТБ Микрокредит банк Кўкон филиали

МФО: 01089

СТИР: 306426414

ОКОНХ

«Буюртмачи»

Ўзбекистон тумани МТБ

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси

Тел.

ш/х 100022860302307091100251048

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРИ:

305153082

ОКОНХ: 92400

Газначилик бўлинмаси номи: Ўзбекистон тумани

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ

МФО 00014

Газначилик бўлинмаси СТИРИ

201122919

Раҳбар

Х.Кўзиёва

(лавозим)

(имзо)

(Ф.И.Ш)

Раҳбар:

Имзо

Р.Худойбердиев

(Ф.И.Ш)

Ўзбекистон тумани ЮХКМ Бош юристконсулти: :

Б.Турғунов



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151800, O'zbekiston tumani, Ziyokor ko'chasi, tel.: (998 73) 539 15 38,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

2022-yil 07-январ.

Yaypan shahri

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING
QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.
2. Loyihaning mazmuni: Budjetdan mablag' oluvchi muassasalarda oziq-ovqat maxsulotlarini sotib olish bo'yicha.
3. Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: Maktabgacha ta'lim bo'limi.
4. Loyiha 05.01.2022-yil kuni ishlab chiqilgan va 06.01.2022-yil kuni markazga taqdim etilgan.

Loyihada O'zbekiston tumani Maktabgacha ta'lim bo'limiga "Yaypan shirinlik trade" MCHJ dan umumiy qiymati 115 050 000 (bir yuz o'n besh million ellik ming) so'mlik oziq-ovqat mahsulotlarini sotib olish nazarda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 27 sentyabrdagi PQ-3953-son qarori bilan tasdiqlangan Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxatining 27-bandida, davlat xaridlari sohasidagi vakolatli organ bilan kelishilgan ro'yxat bo'yicha davolash-profilaktika va ta'lim muassasalari tomonidan oziq ovqat maxsulotlarini sotib olish uchun to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar tuzishi mumkinligi ko'rsatilgan.

Yuqoridagilardan kelib chiqib;

X U L O S A

O'zbekiston tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan taqdim etilgan mazkur 8-sonli shartnoma loyihasi huquqiy ekspertizadan o'tkazildi, loyihani tuzish amaldagi qonunchilikka muvofiq deb hisoblanadi.

O'zbekiston tuman YXKM

bosh yuriskonsul'ti



M.Utanov